




THE ACTUAL PROBLEMS OF FILOLOGY

MATERIALS
of the international scientific
conference



KADRLAR BO'LIMI BOSHIG'I
"05" 10 2021 y.

НУҚТАИ НАЗАР ВА МУТОЛАА САНЪАТИ

С.Мўминов, ФарДУ профессори,
Ш.Мўминов, ФарДУ магистранти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январда чиқарган “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида” деб номланган Фармойишидан кейин бутун мамлакатимизда китобга, китобхонликка, китоб тарғиботига, китобхонлик маданиятини ривожлантиришга бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам ортиди. Ушбу мақола Президентимизнинг бу тарихий Фармойиши моҳиятини кенгрок ва чуқуррок очиб беришга, мутолаа санъатининг айрим қирраларини, жумладан, нуқтаи назар билан боғлиқ жиҳатларини илмий жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ этишга қаратилган.


Аввало “Китобхонлик – мутолаа нима учун керак?” деган саволга тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки XX асрнинг машҳур адибларидан бири Герман Гессенинг фикрига қараганда, “Кўпчилик китоб ўқишни билмайди ва кўп кишилар нима учун ўқиётганини тузукрок тушунмайди. Баъзилар буни ўқимишли бўлишнинг қийин, бироқ ягона йўли деб билади” [3, 18].

Халқаро Нобель мукофоти лауреати, мураккаб асарлари билан машҳур ёзувчи Жозе Самараго ёвузликнинг ягона сабабчиси сўқирлик, яъни жаҳолат деб билади ва барча асарларида, айниқса, “Сўқирлик”, “Англаш” романларида лоқайдлик, ўқимишсизлик “меваси” га қарши исён кўтаради.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларидан “Китобхонликдан, мутолаа маданиятини кенг тарғиб қилишдан бош мақсад нима?” деган саволга жавоб топамиз: “Одамнинг онгу тафаккури, дунёқарашини ўзгартириш, маънавий савиясини юксалтириш ҳақида кўп гапирамиз. Лекин бу борада энг оддий ва айни пайтда энг таъсирчан восита – бу китоб эмасми? Мен шунга аминман – китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ” [1, 114].

Келтирилган фикрлардан маълум бўлмоқдаки, одам фақат зиёли бўлиш учунгина эмас, умуман касби, лавозимидан қатъи назар жамиятнинг тўлақонли аъзоси, ўзини ва бошқаларни англаши, келажагини яратиши учун ҳам китобхон бўлиши керак. Зеро, Ўзбекистон Кутубхоналар Ассоциацияси раиси Абдусалом Умаровнинг фикрига қараганда, “Инсон икки ўлчам – макон ва замонда чекланган бўлиб, ўзининг бутун тараққиёти давомида мазкур чекловларни енгиб ўтишга интилиб келган. Мана шу интилишнинг самараси ўлароқ ёзувлар, китоблар ва шу каби бошқа ахборот ташиш ва унга эга бўлиш билан боғлиқ билимлар тўпланиб, кишиларда мутолаа маданиятининг шаклланишига олиб келган” [6, 74].

Мана энди “Нимани ўқиш, қачон ўқиш, қандай ўқиш керак?; Мутолаадан кўпроқ наф кўриш нималарга боғлиқ?” қабилдаги саволларга жавоб изласак ҳам бўлади.



Аввало берилаётган саволларнинг ҳар бири алоҳида мавзу ва уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида мақолалар, керак бўлса, салмоқли китоблар ёзиш мумкин. Шунинг учун биз ушбу мақоламизда катта мавзунинг кичик бир қирраси – мутолаа санъатини эгаллаш, ундан кўпроқ наф кўришда нуқтаи назарнинг ўрни ҳақидаги фикрларимизни баён этиш билан чекланамиз.

Жиддийроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, бу чексиз оламдаги ҳамма нарса нуқтаи назар билан боғланади. Яъни табиат ҳодисаларидан қандай таъсирланиш, жамиятда рўй бераётган воқеаларга, атрофимиздаги одамларга муносабат билдириш ҳам бизнинг нуқтаи назаримизга боғлиқ. Мавлоно Жалолоддин Румийнинг куйидаги байти шу ҳақда:

Ул бировдирким, магар наздингда мор,
Лек бировнинг наздида шириннигор [5, 65].

Бу байтнинг мазмунини халқимизнинг “Ҳар кимники ўзига, Ой кўринар кўзига” мақоли мазмуни билан тенглаштириш мумкин.

Машҳур Бразилия адиби Пауло Коэльонинг куйидаги фикрларида ҳам оламини қандай кўриш инсоннинг ўзига боғлиқлиги таъкидланган: “Ичингда гўзаллик борлиги учун сен гўзалликни кўра оласан. Дунё ойнага ўхшайди: унда ҳар ким ўзининг аксини кўради” [2, 15].

Ҳа, айнан нуқтаи назар билан боғлиқ ҳолда, “Иллат излаганга иллат, ғурбат излаганга ғурбат, ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё” (Садриддин Салим Бухорий). Севимли адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг бу мавзудаги фикрлари шундай: “Бухорои шарифнинг ҳар бир ғишти илм, ҳар бир тоши ҳикмат. Аммо хазинага кирган мушук зарга қарамайди – сичқон овлайди”; “Яхшининг юзида зулук ҳам хол бўлиб кўринади”; “Товуқнинг тушига дон киради” [8, 18-45].

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг “Мен дунёдаги барча илмларни эгалладим, бу ишда менинг ўқитувчим ҳар соҳадаги жоҳиллар бўлди” мазмунини берадиган куйидаги байти ҳам шу ҳақда:

Жаҳон илмики, букун менга ёд эрур,
Анга барча жаҳл аҳли устод эрур [4, 61].

Нуқтаи назар ҳақида бундай дурдона фикрларни келтиришдан мурод шуки, китоб мутолааси ҳам нуқтаи назар билан бевосита боғлиқдир. Яъни ҳар бир китоб китобхон муносабати, савиясига яраша унга ўз қалбини очади. Шундай экан, “Мутолаа жараёнларини оптималлаштириш ҳар қандай жамиятнинг умумий тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланишида пойдевор вазифасини ўтайди” [6, 3].

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курагимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Аҳмедов Б. Сайёҳ. – Бишкек, 2019.
3. Гессе Г. Мутолаа сирлари // “Фан ва турмуш”, 1992, № 3-4.
4. Навоий. Ҳикматлар. – Тошкент: Шарқ, 2006.
5. Румий. Ҳикматлар. – Тошкент: Шарқ, 2008.
6. Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт. – Тошкент: Фан, 2004.
7. Умаров А. Мутолаа маданияти // “Ҳаёт ва қонун”, 2004, № 6.
8. Қаҳҳор А. Ҳикматлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990.

МУНДАРИЖА

ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Р.Х.Мақсудов Буюк қадрият	4
А.Мамажонов, Г.Асомиддинова Синтаксис ўқитиш муаммолари.....	5
А.Бердалиев, М.Зокиров Влияние внешних и внутренних факторов на развитие номинативной системы языка.....	7
Ҳ.Усмонова Лингвоперсонологиянинг ўрганилиш тарихидан.....	9
Н.Улуков, Ш.Низомова Ўзбек тахаллусларининг деривацион ва структурал моделлари.....	13
С.Мўминов, Ш.Мўминов Нуктаи назар ва мутолаа санъати.....	15
Ш.Искандарова, М.Сайдалиева Гап семантикаси таҳлилида профессор А.Нурмоновнинг ўрни.....	17
Д.Ашурова Художественный дискурс с позиций лингвопрагматики.....	18
М.Ҳакимов, Ш.Юсупова Функционал услуб хусусида баъзи мулоҳазалар.....	20
М.Абдиев Махмудхўжа тил ўрганиш ва нутқ одоби ҳақида.....	24
С.Рузметов, К.Сапарова О понятии «Старение» в социальной геронтологии и социолингвистике.....	26
Т.Епазагов, Н.Г'аниев Onomastik tadqiqot metodlari.....	28
Э.Ибрагимова О некоторых рассуждениях тропов.....	30
Д.Сайидырахимова, Д.Юсупова Вопросы наречий синхронно типологического изучения грамматических явлений разноструктурных языков.....	33
Г.Розикова Махмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асаридан қўлланган омонимлар.....	37
N.Umarova Navoiyning “Saddi Iskandariy” dostonida hayyonot nomlari.....	39
Ҳ.Ахмедова Ахмад Югнакийнинг нутқ маданиятига оид қарашлари.....	41
Т.Валиев Киберлексикография луғатшуносликнинг этакчи йўналиши сифатида.....	43
B.Qurbonova, Z.Karimova O'zbek va qirg'iz tillaridagi frazeologizmlarning semantik tahlili.....	48
Т.Асадов Равишнинг от ва сифат билан муносабати.....	50
М.Тиллохоҷаева Забони миллат – ҳақти миллат.....	54
Д.Сайидырахимова, Ж.Каденова Вопросы связанные с теорией частей речи и их классификация. на материале лексических единиц.....	56
Ш.Тошхужаева Эркин Аъзам асарларида диалектизмларнинг лингвопоэтик тадқиқи.....	60
М.Шарипова Язык и стиль Хаджа Абдуллаха Ансори.....	62
N.Yo'ldosheva, Sh.Sobirova Alisher Navoiyning “Mahbub ul -qulub” asarida qo'llangan o'zlashma qatlam leksikasi.....	65
С.Мўминов, Т.Мўминова Нотиклик санъатининг фикр таъсирчанлигини оширишдаги ўрни.....	71
И.Ҳожалиев Интонациянинг лингвистик таҳлили.....	73

